
Судьялар фаолияти очиқ ва шаффоф электрон рейтинг дастури асосида баҳоланади

Судьялар фаолияти очиқ ва шаффоф электрон рейтинг дастури асосида баҳоланади

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун Президент томонидан имзоланди.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгартиришларга кўра, Кенгаш:

□ судьялар орасида коррупция ҳолатларининг олдини олиб, уларни барвақт аниқлаш бўйича чора-тадбирлар кўради;

□ суд тизимида аниқланган ҳар бир коррупция ҳолатини кўриб чиқади ва принципиал баҳолайди.

Шунингдек, киритилган ўзгартиришларга кўра, Кенгаш судьялар фаолиятини **очиқ ва шаффоф электрон рейтинг дастури асосида** баҳолаш мезонларини аниқлаш бўйича чора-тадбирлар кўради.

Қонун билан Кенгаш раиси ўринбосари ваколатларига ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, **Кенгаш раиси ўринбосари:**

Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекциясининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, унинг фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун жавобгар бўлади;

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга, шунингдек ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир ишларни ташкил этади.

Қонунга киритилган қўшимчаларга кўра, Кенгаш раиси судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга оширишга аралашганлик ҳолатлари юзасидан **прокуратура органларига тақдимнома киритиши мумкин.**

Прокуратура органларига киритилган тақдимнома **1 ой муддатда** кўриб чиқилади ва Кенгаш жиноят иши қўзғатилганлиги тўғрисида ёки уни қўзғатиш рад этилганлиги ҳақида Бош прокуратура томонидан хабардор қилинади.

Асос: ЎРҚ-717-сон, 20.09.2021 й.

Жиноят ишлари бўйича Фурқат тумани суди раиси О.Хасанов



СУДЬЯЛАР ФАОЛИЯТИ ОЧИҚ ВА ШАФФОФ ЭЛЕКТРОН РЕЙТИНГ ДАСТУРИ АСОСИДА БАҲОЛАНАДИ

Манба: ЎРҚ-717-сон, 20.09.2021 й. [@huquqiyaxborot](#)



“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгартиришларга кўра, Кенгаш:

судьялар орасида коррупция ҳолатларининг олдини олиб, уларни **барвақт аниқлаш бўйича** чора-тадбирлар кўрад

суд тизимида аниқланган **ҳар бир коррупция ҳолатини кўриб чиқади** ва принципиал баҳолайди

Кенгаш судьялар фаолиятини **очиқ ва шаффоф электрон рейтинг дастури асосида** баҳолаш мезонларини аниқлаш бўйича чора-тадбирлар кўради

Кенгаш раиси ўринбосари ваколатларига ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, Кенгаш раиси ўринбосари:



судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекциясининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, унинг фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун жавобгар бўлади



ахборот-коммуникация технологияларини **жорий этишга**, шунингдек ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир ишларни ташкил этади

Қонунга киритилган қўшимчаларга кўра, Кенгаш раиси судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга оширишга аралашганлик ҳолатлари юзасидан **прокуратура органларига тақдимнома киритиши** мумкин



Прокуратура органларига киритилган тақдимнома **1 ой муддатда** кўриб чиқилади ва Кенгаш жиноят иши кўзгатирилганлиги тўғрисида ёки уни кўзгатиш рад этилганлиги ҳақида Бош прокуратура томонидан хабардор қилинади.

2021-11-02 12:11:01